**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**
**ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармаси бошлиғи**

**______________ И.Исмоилов**

**«9» 06 ______________ 2022 йил**

**ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармасининг Насос агрегатлари жорий таъмир учун хизматларини курсатувчи ташкилотни аниклаш буйича**

# ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТИ

**Самарканд 2022-йил**



Scanned by TapScanner

# МУНДАРИЖА


| | |
|---|---|
| I Боб. | Қатнашчига кўрсатма |
| II Боб. | Танловнинг таклиф шакллари |
| III Боб. | Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар |
| IV Боб. | Тижорат қисми |
| V Боб. | Шартнома шакли |




Scanned by TapScanner

# I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

## А. Умумий маълумот

Танлов предмети
Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар
Танлов комиссиясининг вазифалари
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари
Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари
Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

## Б. Танлов ҳужжатлари

Танлов ҳужжатининг таркиби
Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш
Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

## В. Танлов ҳужжатларини тайёрланиши

Танловда қатнашиш харажатлари
Танловда қўлланиладиган тил
Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш
Муқобил таклифлар
Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

## Г. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш
Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати
Танлов таклифларининг очилиши

## Д. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш
Таклифларнинг мос келмаслиги

## Е. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш
Тўлов шартлари
Шартномани имзолаш



Scanned by TapScanner

## А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

**Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:**

Танловни ўтказиш очиқ турда бўлиб, ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармасининг харажатлар сметасида ажратилган ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармасининг **Насос агрегатлари жорий таъмир** учун ташкилотни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

**Тўпламлар сони: 30 кун давомида**

**Хизматларнинг максимал нархи: 798 000 000 сўм.**

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғи билан.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 30 кун.

### 2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармасининг Насос агрегатлари жорий таъмир учун ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

**Буюртмачи** – ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармаси;

Манзили: Самарканд вилояти,Самарканд шахри Рудакий кучаси 174-А уй;

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат харидлари бўйича мутахассис Бекмуратов Асрор;

Тел.: (91) 524 98 00.

### 3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

-танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда танловни ўтказади;

-танлов талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;

-таклифлар билдирилган конвертларни очади, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишининг олдини олиш ва холисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

- зарур холларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

**Танловнинг ташкилотчиси** - Ишчи гурух. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz порталида эълон беради;

- танлов таклифларини бахолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.



Scanned by TapScanner

**4. Техник ва тижорат таклифларини баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:**

-катнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлов нарх таклифини аниклайди, голибни аниклайди ва карор кабул килади.

**Қатнашчи** - мулкчилик шаклидан катъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

**5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари**

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига (муҳрланган) ва ички муҳрланган конвертни **йўлланма хат** билан тақдим қилган бўлишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Танлов комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);
- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);
- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);
- танлов таклифи асли (6-шакл);
- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлов ғолиби** – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов қатнашчиси.

**Захирадаги қатнашчи** – танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;



Scanned by TapScanner

- имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишидан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

### 6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

### 7. Танлов ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлов қатнашчиси унга берилган танлов ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### 8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин;

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбаесини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### 9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлов комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

## В. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

### 10. Танловда қатнашиш харажатлари

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлов таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солик ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.



Scanned by TapScanner

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар махсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлов таклифлари исталган босқичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

**11. Танловда қўлланиладиган тил**

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва катнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли хужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

**12. Танлов таклифини ташкил қилувчи хужжатлар**

12.1. Танлов таклифлари бир асл нусхадан, фақат мухрланган конвертда бўлиши лозим. Танлов комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган хужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Конвертнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлов номи ва лоти кўрсатилади.

Конвертда – махсулотни етказиб бериш жадвали, танлов таклифлари, махсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов қатнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

**13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш**

13.1. Қатнашчи танлов таклифини қатъий равишда мазкур танлов хужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов хужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган махсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

**14. Муқобил таклифлари**

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган махсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

**15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш**

15.1. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи танлов хужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун катнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, мухр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг хар бир варағи имзоланган холда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш холатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлов қатнашчисининг имзоланмаган, елимланмаган ва мухрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Танлов комиссияси томонидан рад этилади.

## Г. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

**16. Танлов таклифларини мухрлаш ва конвертларни белгилаш**

16.1. Танлов қатнашчиси танлов таклифларини мазкур танлов хужжатлари талабларига қатъий риоя қилган холда мухрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг танлов таклифи, танлов очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим холларда танлов комиссияси танлов қатнашчисидан таклифнинг амалда



Scanned by TapScanner

бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

**17. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати**

17.1. Қатнашчиларнинг танлов таклифлари dxarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 10 календарь кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати хеч кандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий холатлардан ташкари).

17.3. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун колгунга кадар танлов катнашчиси ўз таклифларини кайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлов катнашчиси томонидан танлов хужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлик такдим этилмаслиги ёки мазкур танлов хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўгри тўлдирилиши, талаб килинган хужжатларни такдим этмаслик ва х.к) кўриб чикилмайди ва рад этилади.

**18. Танлов таклифларининг очилиши**

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 кундан кўп бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов таклифлари берилган конвертни очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, катнашчилар ёки уларнинг тўлаконли вакиллари иштирокида очилади. Қатнашчилар вакиллари катнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг кайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин танлов катнашчилари танлов комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, танлов хужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлаконли бажарилиши текширилади.

18.3. Ҳужжатлар пакетида танлов хужжатларига кўйиладиган талаблар бузилганлиги аникланган такдирда, хужжатлар уларнинг мазмуни эълон килинмасдан катнашчига кайтарилади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов катнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича такдим этилмаган ва танловга кўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган холда алохида санаб ўтилади.

18.5. Танлов таклифлари билдирилган конвертларни очиш ва голибни аниклаш тўгрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон килинмайди.

## Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

**19. Танлов таклифларини бахолаш ва голибларни аниклаш**

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жихатдан бахолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини бахолаш икки боскичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлов таклифларини бахолаш вактида Танлов комиссияси танлов катнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш максадида уларнинг танлов таклифларини бахолашда, сифатли махсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича конунчилик асосида кўшимча кўшилган киймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб хисоб килинади.

19.3. Танлов катнашчиларининг таклифларини молиявий бахолаш, тижорат таклифларни



Scanned by TapScanner

баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини караб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх таклиф қилган катнашчи голиб деб хисобланади.

19.6. Якун чиқариш ва танловнинг голиби тўгрисидаги карор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Голибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов хужжатлари шартларига мос келмайдиган хар қандай танлов таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган катнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) хар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов голибига танлов якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг etender.uzex.uz махсус порталида эълон қилади.

**20. Таклифларнинг мос келмаслиги**

20.1. Танлов хужжатларини текшириш чогида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси:

катнашчига танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда катнашчи хатоларни тўгрилашдан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун катнашчи хуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлов қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов хужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов хужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган хужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча катнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошлангич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлов катнашчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

**I. Танлов**

**Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

**21. Шартномани расмийлаштириш**

21.1. Буюртмачи ва танлов голиблари ўртасидаги шартнома танлов голиблари тўгрисида республика товар-хом ашё биржасининг www.xarid.uz махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлов голиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у холда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги катнашчини танлов голиби деб эътироф этиш ёки такрорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.



Scanned by TapScanner

**22. Шартномани имзолаш**

22.1. Голиб катнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Голиб деб топилган катнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги катнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлов голиби микдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса конун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.



Scanned by TapScanner

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Зарафшон ИТХБ қошидаги
Сам НСваЭБ бошлиғи
И.Исмоилов
"26" май 2022 йил

Каттақурғон тумани

# Нуқсон далолатномаси

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш.Рахмонов, ИЧТ бўлими бошлиғи М.Тагаев, НСЭҚ бўлими бошлиғи О.Тоштемиров, ММУТЦ бошлиғи А.Акрамов, Каттақурғон туман бўлинмаси бошлиғи Ш.Кукиев тузамиз ушбу далолатномани шу хақдаки, 2022 йилда қишлоқ хўжалик экинларини кафолатли сув билан таъминлаш учун сув танқислигини юмшатиш мақсадида Қозоқовул насос станцияси агрегатиини таъмирлаш ишлари бажарилиши учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

| № | Насос станция ва тадбирлар номи | Кераклн эхтиёт қисм ва материаллар | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Қозоқовул | | | |
| | №4 насос агрегатини таъмирлаш, Насос таги пойдевори ва анкер больтлари янгиланиши керак; | 12 НДС насос таъмири | дона | 1 |
| | | Цемент | тонна | 0,5 |
| | | Гравий | м3 | 3 |
| | | швелер 200х100 | м | 5 |
| | | Анкер больт | дона | 8 |
| | | Гайка | дона | 8 |
| | | Кабел АВВГ-240 мм2 | м | 30 |
| | | Ду-300 Задвижкани таъмирлаш | дона | 1 |
| | | флянецларга больт-гайка | дона | 80 |
| | | бошқарув шкафи | дона | 1 |
| | | д-300 мм метал қувурни таъмирлаш | м | 4,2 |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

НСваЭБ бошлиғи ўринбосари: Ш. Рахмонов
ИЧТБ бошлиғи: М.Тагаев
НСЭҚ бошлиғи: О. Тоштемиров
Марказий МУТЦ бошлиғи: А. Акрамов
Каттақурғон туман участка бошлиғи: Ш.Кукиев

Scanned by TapScanner

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Зарафшон ИТХБ қошидаги
Сам НСваЭБ бошлиғи
И.Исмоилов
"26" май 2022 йил

**Пайариқ тумани**

## Нуқсон далолатномаси

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш.Рахмонов, ИЧТ бўлими бошлиғи М.Тагаев, НСЭҚ бўлими бошлиғи О.Тоштемиров, ММУТЦ бошлиғи А.Акрамов, Пайарик туман бўлинмаси бошлиғи Б.Шарипов, Каттасой насос станцияси бошлиғи Қ.Абдусаломов ва Дехқонобод насос станция бошлиғи Қ.Умаркулов тузамиз ушбу далолатномани шу хақдаки, 2022 йилда қишлок хўжалик экинларини кафолатли сув билан таъминлаш учун сув танқислигини юмшатиш мақсадида Каттасой-2 насос станцияси №3 ва №5агрегатлариини ва Дехконобод насос станциясининг №1 агрегатини таъмирлаш ишлари бажарилиши учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

| № | Насос станция ва тадбирлар номи | Керакли эхтиёт қисм ва материаллар | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Каттасой-2 | | | |
| | №3 насос агрегатини таъмирлаш, Насос таги пойдевори ва анкер больтлари янгиланиши керак; | 12НДС насос агрегати пойдеворини янгилаш | дона | 1 |
| | | Цемент | тонна | 0,5 |
| | | Гравий | м3 | 3 |
| | | швелер 200х100 | м | 5 |
| | | Анкер больт | дона | 4 |
| | | Гайка | дона | 4 |
| | | Кабел АВВГ-240 мм2 | м | 30 |
| | | Задвижка Ду-300 | дона | 1 |
| | | Обратний клапан д-600 | дона | 1 |
| | | бошқарув шкафи | комплект | 1 |
| | | 250 кВт 1500 айл/дақ. Электр двигателини таъмирлаш | дона | 1 |
| | | | | |
| | №5 насос агрегатини таъмирлаш, Насос таги пойдевори ва анкер больтлари янгиланиши керак; | 12НДС насос агрегати пойдеворини янгилаш | дона | 1 |
| | | Цемент | тонна | 0,5 |
| | | Гравий | м3 | 3 |
| | | уголок 80х80 | м | |
| | | Анкер больт | дона | 8 |
| | | Гайка | дона | 8 |
| | | Кабел АВВГ-240 мм2 | м | 40 |
| | | Задвижка Ду-400 | дона | 1 |
| | | Обратний клапан д-600 | дона | 1 |
| | | бошқарув шкафи | комплект | 1 |

Scanned by TapScanner

| 2 | Дехқонобод | | | |
|---|---|---|---|---|
| | №1 насос агрегатини таъмирлаш | 350Д90 насос агрегати пойдеворини янгилаш | дона | 1 |
| | | 350Д90 насосини таъмирлаш | дона | 0 |
| | | Кабель АВВГ - 240 мм2 | м | 15 |
| | | д-600 поворотний затворни ўрнатиш | дона | 1 |
| | | Контактор 630А | дона | 1 |
| | | Автомат 630 А | дона | 1 |
| | | Зашита | комплект | 1 |

**НСваЭБ бошлиғи ўринбосари:** **Ш. Рахмонов**
**ИЧТБ бошлиғи:** **М.Тагаев**
**НСЭҚ бошлиғи:** **О. Тоштемиров**
**Марказий МУТЦ бошлиғи:** **А. Акрамов**
**Пайариқ туман участка бошлиғи:** **Б.Шарипов**
**Каттасой н/ст. бошлиғи:** **К.Абдусаломов**
**Дехқонобод н/ст бошлиғи:** **Қ.Умаркулов**

Scanned by TapScanner

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Зарафшон ИТХБ қошидаги
Сам. НСваЭБ бошлиғи
И.Исмоилов
"26" май 2022 йил

Ургут тумани

# Нуқсон далолатномаси

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш.Рахмонов, ИЧТ бўлими бошлиғи М.Тагаев, НСЭҚ бўлими бошлиғи О.Тоштемиров, ММУТЦ бошлиғи А.Акрамов, Деҳқонобод бўлинмаси бошлиғи Э.Раджабов ва насос станция бошликлари иштирокида тузамиз ушбу далолатномани шу хақдаки, 2022 йилда кишлок хўжалик экинларини кафолатли сув билан таъминлаш учун сув танқислигини юмшатиш мақсадида Хужайдук-1 насос станцияси №3 агрегатиини ва Кучан насос станциясининг №1 агрегатини таъмирлаш ишлари бажарилиши учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

| № | Насос станция ва тадбирлар номи | Кераклп эхтиёт қисм ва материаллар | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Хужайдук-1 | | | |
| | №3 насос агрегатини таъмирлаш, Насос таги пойдевори ва анкер больтлари янгиланиши керак; | 18 НДС насос таъмири | дона | 1 |
| | | Цемент | тонна | 0,5 |
| | | Гравий | м3 | 3 |
| | | уголок 100х100 | м | |
| | | Анкер больт | дона | 8 |
| | | Гайка | дона | 8 |
| | | Задвижка Ду-500 таъмирлаш | дона | 1 |
| | | Обратний клапан д-600 таъмирлаш | дона | 1 |
| | | | | |
| | | Кабел АВВГ-240 мм2 | м | 25 |
| | | бошқарув шкафи | дона | 1 |
| 2 | Кучан | | | |
| | №1 насос агрегатини таъмирлаш | Кабель АВВГ - 240 мм2 | м | 20 |
| | | Подшипник 312 | дона | 2 |
| | | 12 НДС насос таъмири | дона | 1 |
| | | Задвижка Ду-300 таъмирлаш | дона | 1 |
| | | Компенсатор д-400 таъмирлаш | дона | 1 |
| | | Контактор 630А | дона | 1 |
| | | Автомат 630 А | дона | 1 |
| | | Зашита | комплект | 1 |

**НСваЭБ бошлиғи ўринбосари:** **Ш. Рахмонов**
**ИЧТБ бошлиғи:** **М.Тагаев**
**НСЭҚ бошлиғи:** **О. Тоштемиров**
**Марказий МУТЦ бошлиғи:** **А. Акрамов**
**Деҳқонобод туман участка бошлиғи:** **Э.Раджабов**

Scanned by TapScanner

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Зарафшон ИТХБ қошидаги
Сам НСваЭБ бошлиғи
И.Исмоилов
"26" май 2022 йил

**Пастдарғом тумани**

## Нуқсон далолатномаси

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Насос станциялари ва энергетика бошкармаси бошлиғининг ўринбосари Ш.Рахмонов, ИЧТ бўлими бошлиги М.Тагаев, НСЭҚ бўлими бошлиғи О.Тоштемиров, ММУТЦ бошлиги А.Акрамов, Пастдарғом туман бўлинмаси бошлиғи У.Абдуалимов ва насос станция бошликлари иштирокида тузамиз ушбу далолатномани шу хақдаки, 2022 йилда қишлоқ хўжалик экинларини кафолатли сув билан таъминлаш учун сув танқислигини юмшатиш мақсадида Мехнатобод-3 насос станцияси №3 агрегатиини ва Чимбойобод-2 насос станциясининг №1 агрегатини таъмирлаш ишлари бажарилиши учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

| № | Насос станция ва тадбирлар номи | Керакли эхтиёт қисм ва материаллар | Ўлчов бирлиги | Микдори |
|---|---|---|---|---|
| 1 | **Мехнатобод-3** | | | |
| | №1 насос агрегатини таъмирлаш, Насос таги пойдевори ва анкер больтлари янгиланиши керак; | 22 НДС насос таъмири | дона | 1 |
| | | Цемент | тонна | 0,6 |
| | | Гравий | м3 | 4 |
| | | уголок 100х100 | м | |
| | | Анкер больт | дона | 8 |
| | | Задвижка Ду-500 таъмирлаш | дона | 1 |
| | | Компенсатор д-600 таъмирлаш | дона | 1 |
| | | Гайка | дона | 8 |
| | | Кабел АСБ 120 мм2 | м | 50 |
| | | бошкарув шкафи таъмири | дона | 1 |
| 2 | **Чимбойобод-2** | | | |
| | | Кабель АВВГ - 240 мм2 | м | 30 |
| | | Подшипник 318 | дона | 2 |
| | | 18 НДС насос таъмири | дона | 1 |

Scanned by TapScanner

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | №1 насос агрегатини таъмирлаш | Контактор 630А | дона | 1 |
| | | Автомат 630 А | дона | 1 |
| | | Зашита | комплект | 1 |
| | | Цемент | тонна | 0,5 |
| | | Гравий | м3 | 3 |
| | | швелер 200х100 | м | 5 |
| | | Анкер больт | дона | 8 |
| | | Гайка | дона | 8 |

**НСваЭБ бошлиғи ўринбосари:** **Ш. Рахмонов**

**ИЧТБ бошлиғи:** **М.Тагаев**

**НФБ бошлиғи:** **О. Тоштемиров**

**Марказий МУТЦ бошлиғи:** **А. Акрамов**

**Пастдарғом туман участка бошлиғи:** **У.Абдуалимов**

Scanned by TapScanner

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Зарафшон ИТХБ қошидаги
Сам НСваЭБ бошлиғи
_____________ И.Исмоилов
"26" май 2022 йил

Пахтачи тумани

# Нуқсон далолатномаси

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш.Рахмонов, ИЧТ бўлими бошлиғи М.Тагаев, НСЭҚ бўлими бошлиғи О.Тоштемиров, ММУТЦ бошлиғи А.Акрамов, Пахтачи тумани бўлинмаси бошлиғи Х.Останов ва насос станция бошлиқлари иштирокида тузамиз ушбу далолатномани шу ҳақдаки, 2022 йилда қишлоқ хўжалик экинларини кафолатли сув билан таъминлаш учун сув танқислигини юмшатиш мақсадидаХумор насос станцияси №3 агрегатини ва Пахтакор-1 насос станциясининг №1 агрегатини таъмирлаш ишлари бажарилиши учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

| № | Насос станция ва тадбирлар номи | Керакли эхтиёт қисм ва материаллар | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Дехконобод-1 | | | |
| | №4 насос агрегатини таъмирлаш, Насос таги пойдевори ва анкер больтлари янгиланиши керак; | 350Д90 насос таъмири | дона | 1 |
| | | Цемент | тонна | |
| | | Гравий | м3 | |
| | | уголок 100х100 | м | |
| | | Анкер больт | дона | 8 |
| | | Гайка | дона | 8 |
| | | Кабел | м | |
| | | Поворотний затвор д-500 таъмирлаш | дона | 1 |
| | | Обратний клапан д-500 таъмирлаш | дона | 1 |
| | | бошқарув шкафи | дона | 1 |
| 2 | Пахтакор-2 | | | |
| | №3 насос агрегатини таъмирлаш | Кабель АВВГ - 150 мм2 | м | 60 |
| | | 300Д90 насос таъмири | дона | 1 |
| | | Контактор 400А | дона | 1 |
| | | Автомат 400 А | дона | 1 |
| | | Задвижка Ду-400 таъмирлаш | дона | 1 |
| | | Обратний клапан д-500 таъмирлаш | дона | 1 |
| | | Зашита | комплект | 1 |

НСваЭБ бошлиғи ўринбосари: Ш. Рахмонов
ИЧТБ бошлиғи: М.Тагаев
НСЭҚ бошлиғи: О. Тоштемиров
Марказий МУТЦ бошлиғи: А. Акрамов
Пахтачи туман участка бошлиғи: Х.Останов

Scanned by TapScanner